

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АМИНОВ ХАЁТЖОН ХАЛИМЖОНОВИЧ

**РЕАЛ ГАЗЛАРНИ ҚУВУР ОРҚАЛИ УЗАТИШДА ЎТИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Аминов Хаётжон Халимжонович

Реал газларни қувур орқали узатишда ўтиш жараёнларини математик
моделлаштириш. 5

Аминов Хаётжон Халимжонович

Математическое моделирование переходных процессов при трубопроводной
транспортировке реальных газов 22

Aminov Khayotjon Khalimjonovich

Mathematical modeling of transients during pipeline transportation of real
gases41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

АМИНОВ ХАЁТЖОН ХАЛИМЖОНОВИЧ

**РЕАЛ ГАЗЛАРНИ ҚУВУР ОРҚАЛИ УЗАТИШДА ЎТИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1118 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.airi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хужаев Исматулла Кушаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джуманов Жамолжон Худойкулович
техника фанлари доктори, профессор

Палванов Бозорбой Юсупович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти»
Миллий тадқиқот университети

Диссертация ҳимояси Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.13/30.12.2021.T.142.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўз-2 мавзеси, 17А уй. Тел.: (99871) 263-41-98, e-mail: info@airi.uz)

Диссертация билан Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўз-2 мавзеси, 17А уй. Тел.: (99871) 263-41-98).

Диссертация автореферати 2022 йил « » _____ да тарқатилди.

(2022 йил «13» июль даги 12 рақамли реестр баённомаси)



С.С.

Н.С. Маматов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Ф.М. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлар доктори, доцент

Н.Равшанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қувурлар орқали оқувчи муҳитларни ташиш, механик ва иссиқлик энергиясини узатишга мўлжалланган тизимлар кенг қўлланиб келмоқда. Узлуксиз фаолият кўрсатиш имконияти мавжудлиги, экологик ва иқтисодий жиҳатдан афзалликлари туфайли бундай тизимлар замон талабига мувофиқ мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Қувур тизимларининг реал вақт режимидаги фаолияти узатилаётган муҳитнинг гидро- ва газодинамик кўрсаткичлари ва қувурнинг юкланган ҳолатининг вақт ва фазода ўзгаришлари билан тавсифланади. Гидростатик босим ва импульснинг кескин ўзгаришлари қувурлар тизими муайян чизиқли қисмлари ва тармоқларидаги кўрсаткичларнинг кескин ўзгаришларнинг ҳосил бўлишига ҳамда куч қурилмалари – компрессорлар ва насосларнинг ишдан чиқишига олиб келади. Шу муносабат билан қувурларда ва қувурлар тизимларида масса сарфи, босим ва тезликнинг динамик масалаларини ўрганиш долзарб муаммодир.

Жаҳоннинг АҚШ, Канада, Россия Федерацияси, Норвегия, Германия, Қозоқистон, Ўзбекистон каби газ қазиб олувчи ва газдан фойдаланувчи кўплаб мамлакатларнинг илмий марказлари ва университетларида қувурлар орқали турли муҳитларни узатиш соҳасида кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва бунда асосий эътибор мавжуд бўлган ёки янги тикланаётган қувур тармоқларининг ишончилигини ва ресурстежам-корлигини таъминлашга қаратилмоқда. Қувур орқали муҳитларни узатиш тармоқларининг ҳолатини мунтазам равишда мониторинг қилиш ва автоматик бошқариш тенденциялари шаклландики, уни математик моделлаштиришнинг ютуқлари ва ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан фойдаланмасдан амалга ошириш мумкин эмас.

Табиий газ Ўзбекистон Республикасида энергетика балансининг салмоқли улушини ташкил этади. Ўзбекистон газ қазиб чиқариш бўйича дунёнинг дастлабки йигирматалигига киради. Сўнгги беш йил ичида Устюрт газ-кимё мажмуаси, Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ва бошқа бир қатор стратегик объектлар фойдаланишга топширилди. Мамлакат табиий газнинг катта захирасига, кон ичидаги ва нафақат ички истеъмолчиларга, балки экспортга ҳам газ етказиб беришни таъминлай оладиган тармоқланган магистрал қувурлар тизимларига эга. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясида «... замонавий халқаро стандартлар ва корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш, ... ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётга, ижтимоий соҳага, бошқарув тизимларига жорий этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган бўлиб, улар нефть ва газ соҳаларига ҳам тегишлидир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда табиий газ транспорти тизимларининг реал вақт режимидаги фаолияти учун зарур бўлган математик моделлар, сонли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

алгоритмлар ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация иши муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-6010-сон, 2020 йил 4 апрелдаги «Нефть ва газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4664-сон ва 2020 йил 18 декабрда «Худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4929-сон Қарорларида ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қувурлар орқали турли аралашмаларни, механик ва иссиқлик энергияларини узатиш жараёнларини ҳисоблашда квази-бир ўлчовли тенгламалардан келиб чиққан формулалардан фойдаланилади. Бу тенгламалар Навье-Стокс тўлиқ тенгламалари ҳадларини қувур қўндаланг кесими юзасига кўра ўрталаштириш усулида қурилган бўлиб, ўзида гидродинамиканинг чизиқли эмаслик хусусиятларини тўлиқ сақлаб қолган. Уларни тузиш ва ечиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалий масалаларни ечишга жорий этиш йўналишида Жуковский Н.Е., Миркин А.З., Чарний И.А., Усиньш В.В., Попов Д.Н., Сеннова Е.Б., Сидлер В.Г., Меренков А.П., Хасилев В.Я., Новоселов В.Ф., Гольянов А.И., Муфтахов Е.М., Селезнев В.Е., Алешин В.В., Штеренлихт Д.В., Грачев В.В., Novitsky N.N., Alekseev A.V., Grebneva O.A., Lutsenko A.V., Tokarev V.V., Huai Su, Enrico Zio, Jinjun Zhang, Xueyi Li, Lixun Chi, Lin Fan, Zongji Zhang каби қатор мутахассислар иш олиб боришган. Н.Е. Жуковский ишлаб чиққан ва дастлаб водопроводда зарба тўлқинлари тарқалишини ўрганишга жорий этилган квази-бир ўлчовли математик модель турли омилларни – ташқи муҳит ҳарорати ва рельефи, тармоқнинг мураккаб тузилиши, қувурда кечадиган оқимнинг гидродинамик ва энергетик режимларини, конденсация ва гидратация жараёнларини ва бошқа омилларни ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилиб борилмоқда.

Қувурлар тизими фаолияти ва уларда зарба тўлқинларининг тарқалиши масалаларини ўрганиш ва амалиётга жорий этишда ўзбекистонлик Ж.Ф.Файзуллаев, Қ.Ш.Латипов, В.К.Мукук, Ф.Б.Абуталиев, Э.Б.Абуталиев, Р.Садуллаев, Ж.Акилов, Т.Юлдашев, О.В.Лебедев, Г.Қ.Аннақулова, Ф.Г.Темпель, И.К.Хужаев, О.Ш.Бозоров, М.Маматқулов, О.М.Арифжанов, С.И.Худойкулов, М.К.Маҳкамов, А.М.Фатхуллаев, У.У.Жонқобилов каби тадқиқотчиларининг хизматлари катта.

Бугунги кунда кўплаб омиллар ҳисобга олинган ҳолда қувур тармоғининг стационар ва ностационар масалаларини ҳал қилиш учун турли усуллар ишлаб чиқилган. Аммо қувур диаметри ўзгариши муаммосининг математик моделлари аниқлаштирувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришни, зичланиш ва сийракланиш тўлқинларининг тарқалиши масалалари эса ҳар томонлама тўлиқ таҳлил қилишни талаб этишмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий тадқиқот ишлари режасининг №БВ-М-Ф4-001 – «Мураккаб иссиқлик ва модда алмашинувига доир кўп ўлчовли масалаларнинг математик моделлари ва тақсимланган самарали ҳисоблаш алгоритмлари» (2017-2020) мавзусидаги тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади газ ташувчи қувурларнинг элементар қисмларида кечадиган ўтиш жараёнларининг чизиқли бўлмаган масалаларини ечишнинг усуллари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қувурлар ёрдамида модда, иссиқлик ва механик энергияларни узатиш жараёнларининг илмий асосларини ва ўрганиш усуллари таҳлил этиш;

қисқа қувур яқинлашувида элементар қисм охирида босим ва масса сарфининг ўзгариши масалаларини характеристикалар усулида ечимини куриш ва ҳисоб ишлари учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш;

Н.Е.Жуковскийнинг чексиз фазога газ оқиб чиқиши тезлигининг чекланганлиги ҳақидаги гипотезаси асосида газ қувури элементар қисми ҳолатига доир масалани шакллантириш, ечимини топиш ва сонли тажрибалар ўтказиш;

масофага боғлиқ равишда рельефи ва кўндаланг кесими юзаси ўзгарувчан газ қувурлари учун чизиқсиз математик модель, сонли алгоритм ва дастурий восита ишлаб чиқиш ва улар ёрдамида қарама-қарши тўлқинлар тарқалишига доир сонли тажрибалар ўтказиш.

Тадқиқот объекти сифатида газ қувурлари фаолияти ва уларда тўлқин тарқалиши жараёнлари қаралди.

Тадқиқот предметини элементар газ қувурида ностационар жараёнларда кечадиган газодинамик ўзгаришлар ташкил этишди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида математик моделлаштириш, математик физиканинг характеристикалар ва сонли усулларида, инфокоммуникацион технологияларнинг сонли натижаларни визуаллаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

қисқа қувурларнинг ностационар газодинамик ҳолатига доир чизиқли бўлмаган масалаларнинг турли чегаравий шартлар, жумладан номаълум ўзгарувчилар биргаликда қатнашган ҳол учун ечимлари чизиқлилаштириш ва

характеристикалар усуллари ёрдамида қурилган ҳисоблаш алгоритми яратилган;

характеристикалар усулида қурилган ечимлар асосида қисқа қувур киришидаги босим ва чиқишидаги масса сарфининг сакраб ўзгаришида қувур қисмида даври турлича бўлган ҳолатнинг юзага келиши, чегараларда масса сарфининг ўзгариши туфайли қисмда босимнинг ортиши, камайиши ва даврий ўзгариши рўй бериши, чегара учун Н.Е.Жуковский формуласи қўлланилганида лимит ҳолатига ўтиш мавжудлиги каби хусусиятлар ишлаб чиқилган;

ёрдамчи функция киритиш орқали диаметри ва нивелир баландлиги йўл-йўлакай ўзгарувчи газ қувурлари ҳолати тенгламаларидан қарама-қарши югурувчи тўлқинлар тенгламаларига ўтиш усули ишлаб чиқилган;

қарама-қарши югурувчи тўлқинларнинг чизиқли бўлмаган тенгламалари системасини ечиш учун ишлаб чиқилган ҳисоблаш усули, алгоритми ва дастурий воситалар ёрдамида қувур кўндаланг кесими юзасининг маҳаллий кенгайиши ҳисобига импульс сакрашларини самарали сўндириш усули таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ностаціонар жараёнларда қисқа қувурларда босим ўзгариши интервалини аниқлаш имкони яратилган;

гидравлик ҳисобларда рельеф ва кўндаланг кесим юзаси ўзгаришларини ҳисобга олиш усули таклиф этилган;

қувур қисмида кўндаланг кесим юзасини маҳаллий ошириш орқали импульс сакрашларини сўндириш мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган тенгламалар ва шартларнинг масса ва импульс сақланиши қонунларига қатъий мослиги, аналитик ечимларни олишда тан олинган классик усулдан фойдаланилганлиги, сонли ечим олишда зарурий аниқлик, ҳисоблаш жараёнининг турфунлиги ва яқинлашувчанлиги таъминланганлиги, натижаларнинг ўрганилаётган жараёнлар табиатига мос эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рельефи ва кўндаланг кесими юзаси ўзгарувчан қувурларни оддий фаолият ва импульс тарқалиши ҳолатларида ҳисоблаш услубияти ишлаб чиқилгани билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган ечимлардан газ қувурлари тизимида босим сакрашларини илмий башоратлаш, лозим ҳолда уларни сўндириш орқали тизимнинг ишончлилигини ошириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги ва бу мақсадга йўналтирилган дастурий воситалар яратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Реал газларни қувур орқали узатишда ўтиш жараёнларини математик моделлаштириш» мавзусида бажарилган диссертация ишида олинган натижалар қуйидаги корхоналарда жорий қилинган:

карама-қарши югурувчи тўлқинларнинг чизикли бўлмаган тенгламалари системасини ечиш учун ишлаб чиқилган ҳисоблаш усули ва дастурий воситалар «Худудгаз Фарғона» газ таъминоти филиалида қўлланилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 03 ноябрдаги 33-8/7765-сон маълумотномаси, Ўзбекнефтгаз АЖ нинг 2021 йил 08 ноябрдаги 03-17-5/171-сон маълумотномаси). Натижада ҳисоблаш жараёнига кетадиган вақтни 12-16%га қисқартириш, аниқликни 10-11%га ошириш ва қурилманинг узлуксиз ишлашининг имкони яратилган;

карама-қарши югурувчи тўлқинларнинг чизикли бўлмаган тенгламалари системасини ечиш учун ишлаб чиқилган ҳисоблаш усули «Universal elegant luuks» МЧЖ қарамоғидаги қувурлар тизимида қўлланилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 03 ноябрдаги 33-8/7765-сон маълумотномаси). Натижада босим сакрашларини ҳисоблаш жараёнига кетадиган вақтни 15-20%га қисқартириш, аниқликни 12 %га ошириш ва қурилманинг узлуксиз ишлаши имконини берган;

қисқа қувурларнинг ностационар газодинамик ҳолатига доир чизикли бўлмаган масалаларнинг турли чегаравий шартлар, жумладан номаълум ўзгарувчилар биргаликда қатнашган ҳол учун ечимлари чизиклилаштириш ва характеристикалар усуллари ёрдамида қурилган ҳисоблаш алгоритми «Водий Шамс Электрон Мантаж» МЧЖда қўлланилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 03 ноябрдаги 33-8/7765-сон маълумотномаси). Натижада қурилманинг энергия сарфини 10%га камайтиришга, ишончилигини 20 %га оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган. ЭҲМ учун дастурий маҳсулот қайд этилганлиги ҳақида 2 гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос равишда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён

қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «Газ қувури тармоқларининг асосий таркибий қисмлари ва уларни ҳисоблашнинг хусусиятлари» баён этилган. У тўрт параграфдан иборат.

§1.1 да қувур тармоқлари ва уларнинг хусусиятлари муҳокама қилинган.

Қувур тизимлари суяқ, газсимон, газ-суяқлик ва қаттиқ аралашмали маҳсулотларни бошланғич – манба нуқтасидан якуний нуқта – истеъмолчигача ташувчи тузилмалардир. Улар мақсадли маҳсулотни – нефть, нефть маҳсулотлари, газ, сув, ..., иссиқлик ва механик энергияни ташишади ва вакуум ($p < 0.1 \text{ МПа}$), напорсиз ($p = 0.1 \text{ МПа}$) режимларда, шунингдек паст ($0.1 \text{ МПа} < p < 1.6 \text{ МПа}$), ўрта ($1.6 \text{ МПа} \leq p \leq 10 \text{ МПа}$) ва юқори ($p > 10 \text{ МПа}$) босим режимларида ишлайдилар. Ташиладиган муҳитнинг ҳарорати паст ($< -40^\circ\text{C}$), ўрта ($-40^\circ\text{C} \dots 450^\circ\text{C}$) ва юқори ($> 450^\circ\text{C}$) бўлиши мумкин. Қувур тармоқлари арматура – бошқарувчи қурилмалар билан таъминланишади. Ушбу параграфда газ саноати чизиқли ва нуқтавий элементлардан тузилган тармоғининг тузилиши конлардаги газ йиғиш коллекторларидан бошлаб истеъмолчигача тарқатилишигача муҳокама этилган.

§1.2 да илк маротаба Навье-Стокс тўлиқ тенгламаларини кўндаланг кесим юзаси бўйича ўрталаш йўли билан Н.Е.Жуковский томонидан ишлаб чиқилган газ ва суяқликларни қувур орқали ташишнинг квази-бир ўлчовли математик модели келтирилган. Унинг тенгламалар тизими ҳали ҳам муайян тузатишлар ва қўшимчалар билан қувур транспорти жараёнини ўрганишда қўлланилмоқда. Ўзгарувчан кўндаланг кесим юзаси $f(x) = \pi D^2(x) / 4$ ли қувурлар учун тенгламаларнинг замонавий кўриниши куйидагича:

$$\begin{cases} \frac{\partial(f\rho)}{\partial t} + \frac{\partial(f\rho w)}{\partial x} = 0, \\ \frac{\partial(\rho w f)}{\partial t} + \frac{\partial(\rho w^2 f)}{\partial x} = -f \left(\frac{\partial p}{\partial x} + g\rho \frac{dy}{dx} \right) - \frac{\pi}{8} \lambda \rho w |w| D, \\ \frac{\partial}{\partial t} \left[\rho f \left(\varepsilon + \frac{w^2}{2} \right) \right] + \frac{\partial}{\partial x} \left[\rho w f \left(\varepsilon + \frac{w^2}{2} \right) \right] = - \frac{\partial(\rho w f)}{\partial x} - \\ - \rho g f w \frac{\partial y}{\partial x} - p \frac{df}{dt} + Qf + \frac{\partial}{\partial x} \left(kf \frac{\partial T}{\partial x} \right) - \Phi(T, T_a). \end{cases} \quad (1)$$

Бу ерда $p(x,t)$, $\rho(x,t)$, $w(x,t)$, $T(x,t)$ – x кесим ва t вақт momentiда ташилаётган газ босими, зичлиги, тезлиги ва ҳароратининг ўртача қийматлари; $y = y(x)$ – қувур ўқининг нивелир баландлиги; g – гравитация кучининг тезланиши; λ – ишқаланиш қаршилиги коэффиценти; $\varepsilon = c_v T$, $w^2 / 2$ – газнинг солиштирма ички ва кинетик энергияси; c_v – модданинг солиштирма изахорик иссиқлик сифими; Q – ички энергия манбаларининг

солиштирма катталиги; k – газнинг иссиқлик узатиш коэффициентини; $-\Phi(T, T_a)$ – ҳарорати T_a бўлган ташқи муҳитга газ иссиқлигининг узатилиши.

Система (1) реал газнинг ҳолат тенгламаси билан тўлдирилади:

$$p = Z\rho RT, \quad (2)$$

бу ерда Z – газнинг сиқилувчанлиги (ўта сиқилувчанлиги) коэффициентини; $R = R_0 / \mu$; $R_0 = 8.3143 \text{ Ж} / (\text{кмоль} \cdot \text{К})$ – келтирилган ва универсал газ доимийси; μ – газнинг моляр массаси.

Ҳар бир масала учун (1) ва (2) тенгламалар ечимларининг ягоналигини таъминловчи бошланғич ва чегаравий шартлар шакллантирилади ва чизиқли бўлмаган (1) ва (2) тенгламалар системаси ечимнинг талаб этилган аниқлигига қараб соддалаштирилади.

Муҳандислик амалиётида (§1.3) қўзғалиш манбаларидан етарлича узоқ масофада шаклланган стационар оқим режими учун (1) ва (2) тенгламалар системасидан келиб чиқадиган формулалардан фойдаланилади. Хусусий ҳолда, киришдаги босим p_0 бўлганида газ қувурининг горизонтал қисмида

босимнинг ўзгариши $p(x) = \sqrt{p_0^2 - \frac{\lambda ZR}{Df^2} M^2 x}$ формула ёрдамида аниқланади;

бу ерда $M = f\rho w$ – газнинг масса сарфи.

Новоселов В.Ф., Гольянов А.И., Муфтахов Е.М., Коротаев Ю.П., Ширковский А.И., Файзуллаев Д.Ф., Igwilo K., Okoro E., Nwude A., Mamudu A., Onuh C., Abbasov E., Agayeva G., Agayeva N., Kengerli T., Atena A., Tekalign W., Muche T., Акбасов А.Р., Меренков А.П., Хасилев В.Я., Сеннова Е.В., Сидлер В.Г., Садуллаев Р., Хужаев И.К. ва бошқа олимларнинг материаллари асосида газ қувурлари элементар қисми ва тармоғининг гидравлик ҳисобида ҳарорат ва трасса нишаблигининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш вариантлари муҳокама қилинди.

§1.4 да ностационар иш режимида элементар қисм ва газ тармоғини ҳисоблаш усуллари муҳокама қилинган. Илмий манбаларга асосланиб, (1) ва (2) тенгламаларни, шунингдек уларнинг соддалаштирилган вариантларини ечишнинг аналитик ва сонли усуллари санаб ўтилди. Турли хил ички (конденсация, гидратация, Жоуль-Томсон эффекти) ва ташқи (ҳарорат, транспорт тизимлари, трасса рельефи ва бошқа) омилларни ҳисобга олиш вариантлари муҳокама қилинди.

Илмий манбаларнинг таҳлили ва газ саноатининг долзарб муаммолари асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби қисқа қувур яқинлашуви доирасида **«Магистрал газ қувурининг чизиқли қисмига доир масалаларни ечиш учун характеристикалар усулини қўллаш»**га бағишланган. Унда газодинамик параметрларнинг маълум бошланғич тақсимотлари учун турли чегаравий шартларда уч масаланинг ечимлари олинган ва таҳлил қилинган.

§2.1 да газ қувури тармоғининг компрессор, қувур ва истеъмолчидан иборат энг оддий схемаси қаралган. Компрессор кириш босими $\psi_0^{(p)}(t)$ ни таъминлайди, истеъмолчи масса бўйича $\psi_0^{(M)}(t)$ жадалликда газ олади.

Горизонтал газ қувири қисмининг кўрсаткичлари газ бошланғич $p_0(x)$ босими ва тезлиги $w_0(x)$ тақсимотлари ҳолида қисқа қувиур яқинлашувидаги импульснинг сақланиши

$$\frac{\partial p}{\partial x} + \frac{\partial \rho w}{\partial t} = 0$$

қонунига мувофиқ ўзгаради ва массанинг сақланиш қонуни бажарилади:

$$\frac{\partial \rho}{\partial t} + \frac{\partial \rho w}{\partial x} = 0.$$

Газ ҳолати реал газ қонуни $p(x,t) = c^2 \rho(x,t)$ га бўйсунди, бу ерда $c = \sqrt{ZRT}$ – кичик босим қўзғалишлари тарқалиш тезлиги.

$M = f \rho w$ масса сарфини киритиш ва югурувчи тўлқин аналогларига

$$u(x,t) = p(x,t) + \frac{c}{f} M(x,t), \quad v(x,t) = p(x,t) - \frac{c}{f} M(x,t)$$

ўтиш билан гиперболик тенгламалар системаси тузилди:

$$\frac{\partial u}{\partial t} + c \frac{\partial u}{\partial x} = 0, \quad \frac{\partial v}{\partial t} - c \frac{\partial v}{\partial x} = 0.$$


Янги киритилган изланувчи функциялар учун бошланғич

$$u(x,0) = p_0(x) + \frac{c}{f} M_0(x) = \varphi_0^{(u)}(x), \quad v(x,0) = p_0(x) - \frac{c}{f} M_0(x) = \varphi_0^{(v)}(x)$$

ва чегаравий

$$u(0,t) + v(0,t) = 2\psi_0^{(p)}(t), \quad u(l,t) - v(l,t) = \frac{2c}{f} \psi_0^{(M)}(t)$$

шартлар шакллантирилди.



1-расм. Ечим соҳасининг вақт оралиқлари ва соҳаостиларга бўлиниши

Ечим соҳаси ўзгармас $\tau = l/c$ қадам билан вақт оралиқларига ва ҳар бир вақт оралиғи D_1, D_2, D_3 ва D_4 соҳаостиларга бўлинди (1-расм).

$x = \pm ct + const$ характеристикалари бўйлаб чегаравий ва бошланғич шартларнинг сақланишини ҳисобга олган ҳолда, янги киритилган функцияларнинг биринчи вақт қадамидаги қийматлари аниқланди:

$$D_1 \cup D_2 \text{ соҳаостида} - v(x,t) = \varphi_0^{(v)}(x+ct),$$

$$D_1 \cup D_3 \text{ соҳаостида} - u(x,t) = u(x-ct,0) = \varphi_0^{(u)}(x-ct),$$

$$D_2 \cup D_4 \text{ соҳаостида} - u(x,t) = 2\psi_0^{(p)}\left(t - \frac{x}{c}\right) - \varphi_0^{(v)}(ct-x),$$

$$D_3 \cup D_4 \text{ соҳаостида} - v(x,t) = \varphi_0^{(u)}(2l-x-ct) - \frac{2c}{f} \psi_0^{(M)}\left(t - \frac{l-x}{c}\right).$$

Ушбу муносабатларга мос равишда биринчи вақт оралиғи $t \in (0, \tau]$ учун масаланинг ечими курилди:

$$p(x,t) = \frac{1}{2}[u(x,t) + v(x,t)], \quad M(x,t) = \frac{f}{2c}[u(x,t) - v(x,t)], \quad w(x,t) = \frac{c^2}{f} \frac{M(x,t)}{p(x,t)}.$$

Муайян вақт оралиғининг охирида олинган ечимлардан кейинги вақт оралиғининг бошланғич шартлари сифатида фойдаланиш мумкин. Ушбу принцип асосида вақтнинг кейинги ораликлари учун ечим олишнинг алгоритми курилди.

Дастурий маҳсулот шаклида амалга оширилган хусусий ҳолда бошланғич ва чегаравий шартларда қатнашаётган функцияларнинг ўзгармас қийматлари $p_0(x) = p_0$, $M_0(x) = M_0$, $\psi_0^{(p)}(t) = \psi^{(p)}$, $\psi_0^{(M)}(t) = \psi^{(M)}$ учун рекуррент формулалар курилди:


$$D_1 \text{ соҳаостида} - p_n(x,t) = p_{n-1}, \quad M_n(x,t) = M_{n-1};$$

$$D_2 \text{ соҳаостида} - p_n(x,t) = \psi^{(p)}, \quad M_n(x,t) = M_{n-1} + \frac{f}{c}(\psi^{(p)} - p_{n-1});$$

$$D_3 \text{ соҳаостида} - p_n(x,t) = p_{n-1} + \frac{c}{f}(M_{n-1} - \psi^{(M)}), \quad M_n(x,t) = \psi^{(M)};$$

$$D_4 \text{ соҳаостида} - p_n(x,t) = \psi^{(p)} + \frac{c}{f}(M_{n-1} - \psi^{(M)}), \quad M_n(x,t) = \psi^{(M)} + \frac{f}{c}(\psi^{(p)} - p_{n-1}).$$

График кўринишидаги намунавий натижалар 2-расмда келтирилган.




2-расм. Вақт масштаби τ нинг тўрт баробарига тенг даврда босимнинг D_1 (1-чизик), D_2 (2), D_3 (3) ва D_4 (4) соҳаостидаги дискрет қийматлари.
 $c = 359.80 \text{ м / с}$, $D = 1.0 \text{ м}$,
 $l = 5000 \text{ м}$, $p_0 = \psi^{(p)} = 5 \text{ МПа}$,
 $M_0 = 300 \text{ кг / с}$, $\psi^{(M)} = 0 \text{ кг / с}$

Ҳисоблаш натижаларининг таҳлили ечим 4τ даврга эга эканлигини кўрсатди. Яъни, кўзғалишлар сўнмас характерга эга. Кўрсаткичларнинг сакраб ўзгариши қувур қисмининг бир охирида бўлганида фақат бир соҳаостида кўрсаткичларнинг ҳар бир вақт оралиғидаги ўзгариши кузатилади (2-расм 3-чизик), акс ҳолда янги вақт оралиғида ўтишда ҳар бир соҳаостида кўрсаткичларнинг сакраб ўзгариши рўй беради.

§2.2 да газнинг масса сарфининг қувур охирларида вақтга боғлиқ ўзгариши берилган ҳолдаги масала юқорида кўрсатилган тарзда ечилди.

Ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари кўрсатишича, масса сарфининг қувурнинг фақат бир охирида сакраб ўзгариши ҳолида $t = \tau$ дан кейин масса сарфи қиймати 2τ даврга, қувурнинг ҳар икки охирида масса сарфининг сакраб ўзгаришида эса у τ даврга эга бўлади.

Киришдаги масса сарфи чиқишдаги масса сарфидан катта бўлганида қувур қисмида газ босими мунтазам ўсиб боради (3-расм) ва аксинча. Агар кириш ва чиқишдаги янги масса сарфларининг қийматлари ўзаро тенг бўлса босимнинг ўзгариши даврийлик таснифига эга бўлади. Барча ўтиш жараёнларида газ тезлигининг вақт ўтиши билан нолга интилиши кўрсатилди.



3-расм. $0 \leq t \leq 2l / c$ вақт оралиғида киришдаги масса сарфининг катта бўлган ҳолида газ босимининг ўзгариши.

$$p_0 = 0.1 \text{ МПа},$$

$$\psi_0^{(0)} = 200 \text{ кг / с},$$

$$M_0 = \psi_0^{(l)} = 0 \text{ кг / с},$$

$$l = 10 \text{ км}, D = 1.0 \text{ м},$$


$$c = 379.93 \text{ м / с}$$

§2.3 да қувур қисми кириш кесимида газ масса сарфининг ўзгариш қонуни ва чиқиш кесимида газнинг (штуцер орқали) чексиз фазога оқиб чиқиш тезлиги чекланганлиги ҳақидаги Н.Е. Жуковский гипотезасига мос шарт берилган ҳол учун ечим олинган. Айни ҳолда у қуйидагича ёзилди:

$$p(l,t) - \psi_l(t) = \alpha f \rho(l,t) w(l,t),$$

бу ерда $\psi_l(t)$ – қувур билан туташган чексиз фазодаги босим қиймати; $\alpha = c/s$; s, f – штуцер ва қувур кўндаланг кесим юзалари.

Бу чизиқли бўлмаган чегаравий шарт ҳар учала номаълумни ўз ичига олган. Шунга қарамай, мос шакл алмаштиришларни қўллаш орқали у чизиқли кўринишга келтирилди ва масала характеристикалар усулида ечилди. Сонли натижалар бошланғич ва чегаравий шартлардаги функцияларнинг ўзгармас қийматлари учун олинди. 4-расмда газнинг қувур қисмидан оқиб чиқишида D_1 соҳаостида босим динамикаси акс эттирилган.



4-расм. $k = f/s$ нинг уч қийматида D_1 соҳаостида босимнинг вақтга боғлиқ ўзгариши. $D = 1 \text{ м},$

$$p_0 = p_e = 5.0 \text{ МПа},$$

$$p_a = 0.1 \text{ МПа},$$

$$l = 5000 \text{ м},$$

$$c = 359.80 \text{ м / с}$$

Олдинги параграфда олинган $t \rightarrow \infty$ даги $p(x,t) \rightarrow \pm \infty$ ечимлардан фаркли равишда бу ҳолда газ босимининг экспоненциал қонун билан очик фазо босимига интилиши аниқланди. Бу қаралаётган объектнинг табиатига мос келади.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзгарувчан диаметрли қувурларда масса ва импульс сақланиши қонунлари ва импульс фронти тарқалишининг математик модели, ҳисоблашнинг усули ва алгоритми» ўзгарувчан кўндаланг кесим юзали газ қувурларида газ ташишнинг изотермик масалалари учун математик модель ва алгоритм ишлаб чиқишга бағишланган.

Жараёни моделлаштиришда барча куч омиллари ҳисобга олинди:

$$-f \frac{\partial p}{\partial x} = f \rho \frac{\partial w}{\partial t} + \frac{\lambda f}{2D} \rho w |w| + f \rho g \sin \alpha + f \rho w \frac{\partial w}{\partial x}, \quad -f \frac{\partial p}{\partial t} = c^2 \frac{\partial(\rho f w)}{\partial x}, \quad p = c^2 \rho.$$

Бошланғич шартнинг иккита варианты – газнинг тинч ($w(x,0) = 0$ м/с) ҳолатида босимнинг барометрик тақсимланиши ва газ масса сарфининг ўзгармас ($M(x,0) = M_0(x) = const$) ҳолатлари қаралди. Иккинчи вариант учун тезлик $w(x,0)$ ва босимнинг бошланғич тақсимланиши $p(x,0)$ сонли усулда аниқланди. Қувур қисмига киришда босимнинг ($p(0,t) = p_0(t)$), чиқишда эса газ масса сарфининг ($M(l,t) = M_l(t)$) вақтга боғлиқ ўзгариши берилди.

l узунлик, c тезлик ва l/c вақт масштабларидан фойдаланиб, тенгламалар ва шартлар ўлчамсиз кўринишга келтирилди. Янги ўзгарувчи $\ln \frac{f \rho}{f_* \rho_*}$ (f_* , ρ_* – кўндаланг кесим юзаси ва газ зичлигининг таснифли кийматлари) киритиш орқали тенгламалар системаси қуйидаги шаклга келтирилди:

$$\frac{\partial \bar{u}}{\partial t} + \bar{u} \frac{\partial \varphi}{\partial \bar{x}} + \frac{\partial \varphi}{\partial \bar{x}} = 2 \frac{\partial \ln(D/D_*)}{\partial \bar{x}} - \frac{gl}{c^2} \sin \alpha - \frac{\lambda l}{2D} \bar{u} |\bar{u}|, \quad \frac{\partial \varphi}{\partial t} + \bar{u} \frac{\partial \varphi}{\partial \bar{x}} + \frac{\partial \bar{u}}{\partial \bar{x}} = 0.$$

Ушбу гиперболик тенгламалар системаси асосий матрицаси $A = \begin{vmatrix} \bar{u} & 1 \\ 1 & \bar{u} \end{vmatrix}$ нинг хос сонларидан иборат $\Lambda = \begin{vmatrix} \bar{u} + 1 & 0 \\ 0 & \bar{u} - 1 \end{vmatrix}$ диагонал, хос векторларидан

иборат фундаментал $V = \begin{vmatrix} 1 & 1 \\ 1 & -1 \end{vmatrix}$ матрицалар тузилди.

Бу матрицалардан фойдаланиб янги тенгламалар системаси тузилди:

$$\frac{\partial f_1}{\partial t} + (1 + \bar{u}) \frac{\partial f_1}{\partial \bar{x}} = F, \quad \frac{\partial f_2}{\partial t} - (1 - \bar{u}) \frac{\partial f_2}{\partial \bar{x}} = F,$$

бу ерда $f_1(\bar{x}, \bar{t}) = \bar{u}(\bar{x}, \bar{t}) + \bar{\varphi}(\bar{x}, \bar{t})$, $f_2(\bar{x}, \bar{t}) = \bar{u}(\bar{x}, \bar{t}) - \bar{\varphi}(\bar{x}, \bar{t})$ – қарама-қарши югурувчи тўлқинлар; $F = 2 \frac{\partial}{\partial x} \left(\ln \frac{D}{D_*} \right) - \frac{gl}{c^2} \sin \alpha - \frac{\lambda l}{2D} \bar{u} |\bar{u}|$.

Ушбу шакл алмаштиришларга мос равишда масаланинг шартлари шакллантирилди. Узунлик бўйича h ва вақт бўйича τ ўзгармас қадамлар билан дискрет $i = x/h$ ва $n = t/\tau$ координаталар ва тўр функциялар киритилди.

Ишда қувур ўқи нивелир баландлиги ва кўндаланг кесими юзасининг йўл-йўлакай ўзгаришларининг турли ҳоллари, жумладан эгри чизиқли трасса учун стационар масалаларнинг ечимлари олинди ва улар ностационар масаланинг бошланғич шартлари бўлиб хизмат қилишди.

Тенгламалар чизиқли бўлмаганлиги туфайли ҳар бир n -вақт қадамида итерация жараёни ташкил этилди. Ҳаракат йўналишини ҳисобга олган ҳолда $f_{1i}^{n,s+1}$ нинг қиймати f_{2i}^n дан фойдаланиб чапдан ўнгга, f_{1i}^{n+1} дан фойдаланган ҳолда эса f_{2i}^{n+1} нинг қиймати ўнгдан чапга қараб ҳисобланди.

f_{1i}^{n+1} қийматлари – $i=0$ да $f_{10}^{n+1,s} = \bar{u}_0^{n+1,s} + \varphi_0^{n+1,s}$ формула, $i=N-1...0$ да эса $\sigma = \tau/h$ белгилаш киритилиб, қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$$f_{1i}^{n+1,s} = \frac{f_{1i}^n + \sigma(1+u_i^n)f_{1i-1}^{n+1,s} + \tau \Phi_{1i}^n}{1 + \sigma(1+u_i^n)}.$$

Қувур чиқиш кесимидаги шарт трансцендент тенглама $e^{\varphi(1,\bar{t})} \bar{u}(1,\bar{t}) = \bar{Q}_l(\bar{t})$ шаклини олди, бу ерда $\bar{Q}_l(\bar{t}) - x=l$ да газ олишнинг келтирилган жадаллиги.

Охирги тенгламадан $\bar{Q}_l(\bar{t}) \neq 0$ ҳолида $\bar{u}_N^{n+1,s} = \bar{u}$ ни топиш учун Ньютон уринмалар усулидан фойдаланилди. $|\bar{u}^{k+1} - \bar{u}^k| < 10^{-8}$ аниқлик таъминлангунча

$$\bar{u}^{k+1} = \bar{u}^k + \frac{e^{-f_{1N}^{n+1,s}} \bar{Q}_l^{n+1} - \bar{u}^k}{1 - \bar{u}^k}$$

формула асосида итерация жараёни давом эттирилди.

$\bar{Q}_l(\bar{t}) = 0$ ҳолида эса $\bar{u}_N^{n+1,s} = 0$ деб қабул қилинди.

Топилган $\bar{u}_N^{n+1,s}$ нинг қийматидан фойдаланиб, $\varphi_N^{n+1,s}$ ва $\bar{f}_{2N}^{n+1,s}$ ҳисобланди.

$i = N - 1...0$ тугунлар учун қуйидаги формула ишлатилди:

$$f_{2i}^{n+1,s} = \frac{f_{2i}^{n+1,s} + \sigma(1-\tilde{u}_i^n)f_{2i+1}^{n+1} + \tau \Phi_{2i}^n}{1 + \sigma(1-\tilde{u}_i^n)}.$$

Охирги икки итерация учун f_{1i} ва f_{2i} қийматлари орасидаги фарқлар абсолют қийматларининг максимал қийматига қараб итерация жараёни давом эттирилди ёки тўхтатилди.


Қувур диаметрининг маҳаллий синусоидал ўзгариши

$$D(x) = \begin{cases} D_1, & \frac{x}{l} < 0.3 \cup \frac{x}{l} > 0.7 \text{ да,} \\ D_1 + \beta D_1 \sin \left[\frac{\pi}{0.4} \left(\frac{x}{l} - 0.5 \right) \right], & 0.3 \leq \frac{x}{l} \leq 0.7 \text{ да} \end{cases}$$

учун ҳисоблаш дастури тузилди.


Ҳисоблашлар β параметрнинг ноль, турли мусбат ва манфий қийматларида $l=10$ км, $D=1.0$ м, $\lambda=0.028$, $T=300$ К, $\rho_*=0.699$ кг/м³, $c=378,2$ м/с, $z=0.92$ берилганлар учун ўтказилди. Хусусий $\beta=0$ ҳолда босим, масса сарфи ва тезликка доир натижалар И.К.Хужаев ва Х.А.Мамадалиевнинг натижаларига мос келди.

Бошланғич $u(x,0)=0$ м/с шарт учун туркум ҳисоблар ўтказилди. $\beta=0.5$, $p(x,0)=p(0,t)=5.6$ МПа, $M(l,t)=250$ кг/с учун олинган натижалар кенгайган соҳага етиб боргунча кўрсаткичларнинг $\beta=0$ ҳолдагиларга мос келишини кўрсатди (5-расм). Кенгайган соҳада газ масса сарфи ўзининг янги қийматига яқин бўлди.



5-расм.
Диаметрнинг $\beta=0.5$ га мос маҳаллий синусоидал катталашувида газ масса сарфининг динамикаси.
 $p(x,0)=p(0,t)=5.6$ МПа,
 $M(l,t)=250$ кг/с

Барча $\beta \neq 0$ ҳолларида босим чизиклари уч бўғинли бўлди. 6-расмда $\beta=-0.2$ ҳол учун босимнинг қувур узунлиги бўйлаб ўзгаришининг типик динамикаси келтирилган. Бу ҳол бошланғич $p(x,0)=5.6$ МПа босим ўрнатилган қувур охиридан газнинг $M(l,t)=250$ кг/с жадаллик билан олиб бошланишига тўғри келади.



6-расм. Қувурнинг тораювчи қисмида оқимнинг барқарорлашуви ҳолида босим эгри чизиклари. $\beta=-0.2$, $D_1=1$ м

Ҳисобларнинг бошқа туркуми бир маромда ишлаб турган қувур қисмида янги масса сарфига ўтиш жараёнини ўрганиш мақсадида ўтказилди. Бу ҳолларда ҳам маҳаллий кенгайиш ва торайишга эга қувур қисмида импульс сакрашларининг тарқалиши, қайтиши ва сўнишини кузатишга эришилди.

Бобнинг барча сонли натижалари узунлик ва вақт бўйича ўлчовсиз қадамлар $h = 0.001$ ва $\tau = 0.0002$ учун олинди ва уларда $\max_{0 \leq i \leq N} |f_{1i}^{n+1,1} - f_{1i}^{n+1,0}| < 0.001$, $\max_{0 \leq i \leq N} |f_{2i}^{n+1,1} - f_{2i}^{n+1,0}| < 0.001$ шартларнинг бажарилишига ва импульс сакраши атрофидаги осцилляцияларни бартараф этишга эришилди. Охирги яқинлашувларда $\max_{0 \leq i \leq N} |M_i / M_i(t) - 1| < 0.001$ шартнинг бажарилиши натижаларнинг ишончлилигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Реал газларни қувур орқали узатишда ўтиш жараёнларини тадқиқ қилиш учун дастурий таъминот» деб номланган тўртинчи бобда олдинги бобларда келтирилган сонли натижаларни олиш учун ишлаб чиқилган дастурларнинг таснифи келтирилган.

Иккинчи бобда олинган натижаларнинг ишончлилиги Гюгонио шартларининг – зарба тўлқин орқали ўтиш ва қувур охирларида тўлқин қайтишлари жараёнларида импульс, напор ва энергиянинг изотермик ҳолда сақлаб қолиниши шартларининг қаноатлантирилиши билан исботланди.

Иккинчи бобнинг сонли натижалари уч аналитик ечим асосида тузилган ҳисоблаш дастури (DGU № 13916)дан фойдаланиб олинди. Дастурнинг тузилиши, интерфейси ва имкониятлари §4.1да муҳокама этилган.

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

$L =$ <input style="width: 80%;" type="text"/>	$T =$ <input style="width: 80%;" type="text"/>
$D =$ <input style="width: 80%;" type="text"/>	$p_0 =$ <input style="width: 80%;" type="text"/>
$\lambda =$ <input style="width: 80%;" type="text"/>	$M_0 =$ <input style="width: 80%;" type="text"/>

Биринчи масала

Иккинчи масала

Учинчи масала


7-расм.
Характеристикалар усулида олинган ечимлар асосида ишлаб чиқилган дастурнинг умумий маълумотлар ва алоҳида масалага ўтиш ойнаси

Дастурнинг Кириш қисмида скаляр ва вектор катталиклар тавсифланган. Вектор катталиклар вақтнинг бошланғич қадами учун босим, масса сарфи ва газ тезлигининг қувур узунлиги бўйича берилган қийматларидан иборат. Ишчи ойнада учта масала учун умумий бўлган маълумотлар киритилади (7-расм): қувур қисми узунлиги ва диаметри, қувур узунлиги бўйича қадамлар сони, вақт ва узунлик учун ҳисоб қадамлари, ҳарорат, қаршилиқ, ўта сиқилувчанлик коэффицентлар ва келтирилган газ доимийси берилди ҳамда газда кичик босим ва импульс кўзғалишларининг тарқалиш тезлиги қиймати ҳисоблаб чиқилади. Ундан кейин ечиладиган биринчи, иккинчи ёки учинчи масалага ўтилади. Муайян масала учун

керакли маълумотлар киритилиб, ҳисоблаш ишлари бажарилади. Натижалар график ва жадвал шаклларида тақдим этилади.

Бобнинг иккинчи параграфида учинчи бобнинг сонли натижаларини олиш учун ишлаб чиқилган дастурий восита (DGU № 11381)нинг таркиби, интерфейси ва имкониятлари ёритилган.

Ушбу дастур диаметри ва нивелир баландлиги йўл-йўлакай ўзгарувчи газ қувури қисмининг газодинамик ҳолати масаласини киришдаги газ босими ва чиқишдаги газ масса сарфининг вақтга боғлиқ ўзгариши берилган ҳоли учун мўлжалланган. Ечиш усули, ҳисоблаш алгоритми ва дастурий восита чегара шартларнинг бошқа вариантлари ва қувур диаметрининг турлича ўзгариши ҳоллари учун мослаштирилиши мумкин (8-расм).



8-расм. Газ қувурининг диаметри ва нивелир баландлиги йўл-йўлакай ўзгарувчи қисми учун яратилган дастурий воситанинг графиклар ойнаси

Ишлаб чиқилган ҳар иккала дастурий восита ҳам узилишли чегаравий шартлар ҳолида ишончли натижалар бериш имконига эга эканлигини намоиш этишди.

ХУЛОСА

«Реал газларни қувур орқали узатишда ўтиш жараёнларини математик моделлаштириш» мавзусидаги диссертация иши доирасида қуйидаги асосий натижалар олинди.

1. Қувур тармоқларининг хусусиятлари, тармоқлар ва уларнинг элементар қисмларини стационар ва ностационар ҳолларда ҳисоблашнинг асосий усуллари таҳлил этилди. Таҳлил асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

2. Газ қувири элементар қисмида босим градиенти фақат газ инерция кучининг локал ташкил этувчиси орқали ифодаланадиган қисқа қувири яқинлашувида ўзаро қарама-қарши югурувчи тўлқинлар киритиш усули ишлаб чиқилди. Бу усул қатор масалаларни характеристикалар усули билан ечиш имконини берди.

3. Киришда босим ва чиқишда масса сарфининг вақтга боғлиқ берилиши учун газ қувири элементар қисмининг газодинамик ҳолати масаласи характеристикалар усулида ечилди. Ечим биринчи вақт оралиғи $t \in [0, \tau]$ учун қурилди; бу ерда $\tau = l/c$, l – қисм узунлиги, c – босим кичик қўзғалишларининг газда тарқалиш тезлиги. Кейинги вақт оралиқларида босим ва масса сарфини аниқлаш учун рекуррент формулалар таклиф этилди.

4. Бошланғич ва чегаравий шартлардаги функцияларнинг ўзгармас қийматлари учун сонли тажриба ўтказилди. Ишлаётган қисмининг бир ёки икки охири оний беркитилганида газ босими, масса сарфи ва тезлигининг даврий ўзгариши рўй бериши кўрсатилди. Биринчи ҳолда давр 4τ га, иккинчи ҳолда 2τ га тенг бўлди.

5. Характеристикалар усулини қўллаш орқали кириш ва чиқишда масса сарфи вақтнинг функцияси бўлган ҳоллар учун масала ечилди. Бу функцияларнинг ўзгармас қийматларида ўтказилган сонли тажриба натижалари асосида масса сарфининг $t = \tau$ дан кейин даврий ўзгариши, босимнинг ўсувчи, камаювчи ва даврий ўзгарувчи режимлари ташкил топиши ва тезликнинг сўнувчи режими исботланди.

6. Газнинг қисм охиридан ташқарига оқиб чиқиши Н.Е. Жуковский формуласи билан тавсифланган, яъни чегаравий шартда барча изланувчи функциялар қатнашган, ҳол учун газ қувири элементар қисми масаласи илк марта шакллантирилди ва характеристикалар усулида ечилди. Сонли тажриба асосида бундай шартдан фойдаланиш ишончли лимит ечимини бериши, қисмдаги босимнинг уланган муҳит босимига интилиши исботланди.

7. Газ қувири кўндаланг кесими юзаси ва ўқи нивелир баландлигининг йўл-йўлакай ўзгаришида элементар қисм ҳолатига доир изотермик масала барча куч омилларини ҳисобга олган ҳолда киришдаги босим ва чиқишдаги масса сарфининг вақтга боғлиқ ўзгаришлари учун шакллантирилди. Ёрдамчи функция $\varphi = \ln \frac{f\rho}{f_*\rho_*}$ дан фойдаланиш ва масса сарфини киритиш орқали чизиқсиз ўнг қисмларга эга югурувчи тўлқинларнинг чизиқсиз гиперболик тенгламалари қурилди.

8. Югурувчи тўлқинларнинг чизиқсиз тенгламаларини ечиш учун тўлқин кўчиши йўналишини ҳисобга олувчи чекли айирмалар ва итерация асосида сонли усул, алгоритм ва ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилди. Чизиқсиз чегаравий шарт Ньютоннинг уринмалар усули ёрдамида қаноатлантирилди.

9. Сонли тажриба натижалари асосида қувири кўндаланг кесимининг маҳаллий кенгайиши импульс сакрашларини сўндириши, меъёрий иш режимида босим чизиқлари уч бўғинли тузилишга эга бўлиши аниқланди.

10. Диссертация ишининг натижалари газ қузури элементларини танлаш ва унда кутиладиган босим сакрашларини аниқ ҳисоблаш учун фойдаланилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2021.Т.142.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ И ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РАЗВИТИЯ ЦИФ-
РОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА**

АМИНОВ ХАЁТЖОН ХАЛИМЖОНОВИЧ

**МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ПЕРЕХОДНЫХ
ПРОЦЕССОВ ПРИ ТРУБОПРОВОДНОЙ ТРАНСПОРТИРОВКЕ
РЕАЛЬНЫХ ГАЗОВ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/T1118.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте развития цифровых технологий и искусственного интеллекта.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.airi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Хужаев Исматулла Кушаевич доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Джуманов Жамолжон Худойкулович доктор технических наук, профессор Палванов Бозорбой Юсупович доктор философии технических наук (PhD)
Ведущая организация:	Национальный исследовательский университет «Тошкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Защита диссертации состоится «22» июля 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.13/30.12.2021.T.142.01 при Научно-исследовательском институте развития цифровых технологий и искусственного интеллекта. (Адрес: 100125, г. Ташкент, М.Улугбекский р-н, Буз-2, дом 17А. Тел.: (99871) 263-41-98, e-mail: info@airi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте развития цифровых технологий и искусственного интеллекта (регистрационный номер № 11). (Адрес: 100125, г. Ташкент, М.Улугбекский р-н, Буз-2, дом 17А. Тел.: (99871) 263-41-98).

Автореферат диссертации разослан « » _____ 2022 года.
(протокол рассылки № 12 от «13» июня 2022 г.).



С.С.Н.

Н.С. Маматов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, Профессор

А.М.Н.

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, Доцент

Б.

Н.Равшнов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, Профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире широко применяются трубопроводные системы, предназначенные для транспортировки текучих сред, передачи механической и тепловой энергии. Возможность функционирования этих систем в непрерывном режиме, преимущества с точек зрения экологии и экономии способствовали постепенному усовершенствованию их согласно требованиям времени. Функционирование систем трубопроводов в реальном времени описывается гидро- и газодинамическими показателями транспортируемой среды, изменениями загруженности трубопровода по времени и пространству. Резкие изменения давления и импульса приводят к существенным изменениям показателей в некоторых элементарных линейных участках и сети, а также выходу из строя силовых установок – компрессоров и насосов. В связи с этим актуально изучение динамических задач массового расхода, давления и скорости сред в трубопроводах и сетях трубопроводов.

В научных центрах и университетах многочисленных газодобывающих и газопользующих странах мира таких как США, Канада, Российская федерация, Норвегия, Германия, Казахстан, Узбекистан ведутся широкомасштабные исследования по транспортировке газа по трубопроводу и основное внимание при этом обращают обеспечению надежности и ресурсосбережения в существующих и вновь возводимых сетях трубопроводов. Формировалась тенденция постоянного мониторинга сетей и автоматического их управления, которая требует применения успехов математического моделирования и возможностей информационно-коммуникационных технологий.

В энергетическом балансе Республики Узбекистан природный газ занимает весомую долю. Узбекистан входит в состав первых двадцати стран по объему добычи газа. За последние пять лет начали функционировать Устюртский газохимический комплекс, Кандымский газоперерабатывающий комплекс и ряд других стратегических объектов. Имеются большой запас природного газа и сети газопроводов в месторождениях, а также разветвленная сеть магистральных газопроводов, способные обеспечить внутренних потребителей и экспорта газа. Ведутся исследования фундаментального и прикладного характера по внедрению методов математического моделирования и информационно-коммуникационных технологий в систему транспортировки газа, чтобы непрерывно доставить товарный газ потребителю в необходимом объеме. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отмечены задачи «...внедрения современных международных стандартов и методов корпоративного управления, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления...»¹, которые также относятся к отраслям нефти и газа.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

В решении этих задач особое значение имеет разработка математических моделей, вычислительных алгоритмов и программных средств для систем транспортировки газа в реальном времени функционирования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-6010 от 18 июня 2020 года «О дополнительных мерах по совершенствованию механизма реализации природного газа и электрической энергии», №УП-4664 от 4 апреля 2020 года «О первоочередных мерах по повышению финансовой устойчивости нефтегазовой отрасли», №УП-4929 от 18 декабря 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию инженерно-коммуникационной инфраструктуры в регионах» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

